



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

20 20 yil « 31 » декабрь

№ 580-ф

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги 459-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг сув таъминоти оғир ҳудудлардаги 6 319 та аҳоли томорқаларини суғориш учун 1 215 та вертикал суғориш қудуқлари, шундан 176 та йирик ва 1 039 та кичик ҳажмли суғориш қудуқлари бурғиланганлиги ва мазкур суғориш қудуқларини ишга тушириш учун 31 510 млн сўм субсидия ажратиш зарурлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 31 510 млн сўм, истисно тариқасида, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳисобварағига ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар тасдиқланган ҳужжатларга асосан томорқа ер эгаларига тўлаб берилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов